



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Агар биз бўлғуси хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, бухорийлар, улугбеклар, навоийларни тарбияламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ҳар томонлама соғлом, юксак билимли ва маънавиятли оналарни тарбиялашимиз зарур.

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ★ www.uzhurriyat.uz ★ 2020-yil 8-mart, yakshanba ★ № 10 (1174)

## АТИРГУЛ БАРГИДАГИ ДИЛХАТ



Оммавий ахборот воситалари сафида қалам тебратиш заҳмати кифтида тутган, "Матбуот — жамият ойинаси"ни нурлантирган, соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни оммага етказишда жон тутиб меҳнат қилаётган сиз — хотин-қизларнинг самарали ижодингиз таҳсинга сазовордир.

⇒ 4-бет

## ҚАЙДАСАН, ТҶМАРИС?!



Парда кўтарилди, худди отда келаятган Тўмариснинг ҳарир рўмоли учгани каби. Олис қишлоқларда ҳатто яратгандан бетаъма, қалбига уруғ қадаб яшаётган онахонларни кўраман. Улар қавийётган кўрпача қатимларида Тўмариснинг бармоқ излари ярқираб кетгандай бўлади.

⇒ 4-бет

## ОТМАГАН ТОНГ



Қизалоқ отасининг айтганини қилади: термулади, термулаверади. Гуллар бирин-кетин гунча чиқарди: оқ, қизил, сарғиш яна бир қанча ранглар. Қизалоқ уларни бирам яхши кўрадики, ҳаёлида ўрнидан туриб ҳамма-ҳаммасини бағрига босади, эркалайди, ҳатто ўлиб олади.

⇒ 7-бет



(ЎЗА фотоси)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам онахонлар!  
Мунис опа-сингиллар!  
Дилбар қизларим!  
Авалло, сизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат айёми — 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.  
Барчангизга ўзимнинг энг эзгу ва самимий тилақларимни билдириб, доимо оилангиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиш бахтини тилайман.  
Азиз юртдошлар!  
Ер юзюда онгли ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзот муқаддас Она сиймосини, аёл зотини улуғлаб, шарафлаб келади.  
Онларимиз шарофати билан Ватанимиз тупроғи жаннат боғларидек гўзал ва мўъ-

табардир. Онлар дуосидан юртимиз тинч, осмонимиз муссаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор.  
Маълумки, муқаддас Қуръони каримнинг энг катта сураларидан бири — "Нисо", яъни "Аёллар" деб аталади. Аллоҳ таоло ушбу суратда инсонларни аёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этади ва бу илоҳий сўзлар замирида албатта теран ҳикмат муржадасам.  
Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини аввало шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди.  
Буюк сиймосларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг шахс сифатида камол топишида меҳрибон оналари, доно рафиқалари гоят муҳим роль уйнагани аён бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.  
Бугун сиз, азизларнинг чеҳрангизда хурсандчилик, шукроналик ифодасини кўриб, ана шундай ишларимиз натижасини оз бўлса-да, ҳис этмоқдамиз. Ва биз мана шу тўғри йўлни давом эттириш, унинг самарасини янада ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

(Давоми 2-бетда)

## Ой каби қошимда парвонам — онам

Иқбол Мирзо,  
Ўзбекистон халқ шоири

Ой каби қошимда парвонам — онам,  
Офтобдек меҳрда яғонам — онам.  
Бошимга тилла тоғ, кўнглимга таскин,  
Туну кун тилимда шукронам — онам.

Олтин-қумуш асли — тош бўлар экан.  
Онасизнинг кўзи ёш бўлар экан.  
Онаси бор — доим ёш бўлар экан,  
Меҳр уммонда дурдонам — онам...

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотига муносиб эҳтиром кўрсатиш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, юртимизнинг иқтисодий кудрати ва жаҳон миқёсидаги мавқеини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишларига қўшган катта ҳиссаси, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги самарали меҳнати билан ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаятгани учун бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, ордон ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон ифтихори»  
фахрий унвони билан  
Чусовитина Оксана Александровна — Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан  
Кузнецова Светлана Михайловна — Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг спорт гимнастикаси бўйича катта мураббийи

(Давоми 3-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотини улуғлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, орау-интилишларини кўллаб-қувватлаш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаятган, турли соҳа ва тармоқларда қўбият ва имкониятларини рўйга чиқараётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида

ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатта мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва

оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш.Кудибиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2020 йил 4 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 мартдаги  
ПҚ-4626-сон қарорига илова

### ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

Ибрагимова Назолат Мухтаровна — Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти

Нуратдинова Динара Елубай қизи — Нукус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

(Давоми 3-бетда)

## ТИЛАК

Сўнги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор алоҳида эътирофга сазовордир. Қолаверса, мустақиллик йилларида илк мартаба аёллар орасидан ҳокимларнинг тайинланиши "Аёл киши фақатгина уй-рўзгорни эплайди, болалар тарбияси билан машғул бўлади, деган ақидалардан воз кечиб, аёл жамиятнинг тўлиқ аъзоси, тараққиётнинг етакчи кучи эканлигини исботлади.

## Дил сўзларим сизга армуғон

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида аёллар улушининг юқорилиги уларга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром билдиришга яна бир асос бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча муҳтарам опа-сингилларимиз ва мунис оналаримизга баҳорни бошлаб келаятган шукҳули ва файзли гўзаллик айёмида мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт



ва омад, файзу барака, фарзандлар бахту камолни кўришлик nasib этишини тилайман.

Робохон МАҲМУДОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Фах, таълим ва соғлиқни сақлаш  
масалалари Кўмитаси раиси,  
«Фидокорона хизматлари учун» ордени  
соҳибаси.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Қадрили опа-сингиллар! Бугунги кунда кенг қўламли демократик ислохотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётларидаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. Бундан ташқари декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиқлади.

Сайловлар натижасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламента аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгилаган тасвирларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, — шунга эътибор беришнинг сўрайман — бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.

Ҳозирги вақтда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда.

Мухтарима аёлларимизнинг 16 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони сазовор бўлган барчамизни қувонтиради. Хотин-қизларимиз ўртасида фан докторлари, профессор ва академиклар, "Халқ ўқитувчиси", "Халқ шoirи", "Халқ артисти" унвонларига сазовор бўлган юзлаб опа-сингилларимиз борлиги — бу бизнинг фахримиз.

Биз ҳозирги кунда ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, тиббиёт, илм-фан, маданият ва спорт соҳалари ривожига ҳам аёлларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини юксак баҳолаймиз. Барчангиз хабардорсиз, миллий парламенти тарихида биринчи марта аёл киши — хурмати Танзила Камоллова Норбоева Сенат Раиси лавозимига сайланди.

Юртимизда аёл раҳбарлар — вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тартибот идораларида, Куропли Кучларимиз тарбиясида масъул вазифаларда хизмат қилётган опа-сингилларимиз сони ортиб бормоқда.

Янгида ташаббускор ва ташкилотчи аёлларимизнинг муносиб вақиллари гоят масъулиятли вазифага — туман ва шаҳар ҳокими лавозимларига тайинландилар. Жумладан, Андижон вилоятининг Бустон туманига — Садрбахор Мамитова, Бухоро вилоятининг Олот туманига — Наргиза Нейматова, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманига — Зулайхо Маҳмадова, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрига — Гаҳвар Алимова, Сирдарё вилоятининг Бобеш туманига — Дилфуза Уролова, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига — Мақсуда Мустафоёва биринчи раҳбар этиб тасдиқландилар.

Эл-юртимизнинг катта ишончини қозонган бу опа-сингилларимиз бугунги анжуманда иштирок этмоқдалар. Уларнинг барчасини самимий табриқлаб, ишларига ютуқ ва омадлар тилашга икжозат бергайсиз.

Мамлакатимизда ўз фаолияти, эзгу ишлари билан кўнчилига ибрат ва намуна бўлаётган хотин-қизларимиз кўпайиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади. Шулар қаторида Фаргона вилояти, Риштон шаҳрида яшайдиган тадбиркор аёл Израбу Усмонова ҳаж зиёратига атай йиллар давомида йилиб келган маблағини моддий шароити оғир маҳалладошларига бегарас ёрдам сифатида ҳада қилгани матбуотда кенг ёритилди.

Сирдарё вилояти, Сайхунбод тумани, "Ўзбекистон" маҳалласида Гаҳвар Хусанова деган фан сангилмизи бор. Айни вақтда у туман кенгашининг депутати этиб сайланган. Гаҳварнинг қайнониси Гўлбаҳор ая ўқитувчилик фаолияти давомида минглаб китоблар тулпаган экан. Гаҳвар Хусанова уларнинг ёнига яна кўп адабиётларни қўшиб, қишлоқ ахли учун ўз ҳисобидан "Мумтоз" деб номланган катта кутубхона барпо этгани таъжирани лойиқ.

Янгида оммавий ахборот воситалари орқали истеъдодли ёш оlima Азиза Шоназарованинг Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли Колумбия университетининг профессори этиб тайинлангани ҳақида хушхабар тарқалди. Пойтахтимизнинг Қорақамчи ҳудудига воғая этиб, Тошкент шарҳуносулик институтида, кейинчалик Польша ва АҚШдаги машҳур университетларда таълим олган Азизахон 32 йилда тарих ва диншунослик йўналишида фан доктори бўлган, 500 та талабгор орасида конкурсада галиб чиқиб, ана шундай юксак илмий даражага эришгани оқлишга сазовордир.

Бу сангилмизининг айни вақтда яхши оила бекиси ва она экани, араб, форс, турк, рус, инглиз, француз, немис, поляк тилларида эркин мулоқот қилиши, эришяётган юксак натижалари мамлакатимиз ёшлари учун чинакам ибрат намунаси бўлади, деб ишонман.

Азизахон ўз хурсандчилигини юртдошлари билан баҳам кўриш учун олис йул босиб, АҚШдан Ўзбекистонга этиб келди. Келинлар, ёш олиманимиз сазовордир.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мангилйи давоми сифатида мен кунги кеча Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан яна бир муҳим тарихий фармонга имзо чекидим. Ушбу ҳужжатта мувофиқ озолиқдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлиб, тузалмиш йўлига қатъий ўтган 83 нафар хотин-қизлар афе этилди. Улар байрам арафасида афе этилди. Улар байрам арафасида афе этилди, яқинлари, фарзандлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

мимий табриқлаб, унга янада улкан ютуқлар тиладик.

Айни вақтда бугунги тантанали маросимда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Хитой Халқ Республикасининг Факултода ва Мухтор элчиси Цзян Янь, Миср Араб Республикасининг Факултода ва Мухтор элчиси Аман ал-Ирт, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер ва Тараққиёт дастурининг доимий вақили Матильда Димовска, Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти ваколатхонасининг раҳбари Лиан Куппенс, Халқаро Қўзғил хон қўмитасининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Сангита Кёниг, Осие тараққиёт банкининг доимий ваколатхонаси раҳбари Синтия Мальвичини хонимларни қўриб турганимиздан бениҳоя мамнунимиз.

Мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлиғини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ана шу ҳурматли меҳмонларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан табриқлаб, эзгу тилақларимизни билдиришга руҳлат бергайсиз.

Қадрли анжуман қатнашчилари!

Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енғил қилиш мақсадида ўтган йили салмоқли ишлар бақарилди. Жумладан, аёлларимиз учун жами 170 мингта яқин иш ўрни яратилди. Тижорат банклари ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблаглари ҳисобидан 172 мингдан ортиқ опа-сингилларимизга 4,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилди. Бугунги кунда улар томонидан 28 мингта яқин опа-сингилларимизга тадбиркорлик, ҳунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандлиқни таъминлаш озоидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар қизларимиз қисқа муддатли касб-ҳунар курсларида ўқитилди.

Ана шундай имкониятлар туфайли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган аёллар сони бир йилда қариб 45 минг нафарга кўпайиб, улар томонидан минглаб янги иш ўринлари барпо этилмоқда.

Мамлакатимизда жамяят неғизи бўлган оила институтини, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга лойиқ ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, хондонлардаги ўзаро келишмовчилик ва низо-ларни бартараф этиш, оилавий ажримлар сони камайтириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг камровли ишлар бақарилмоқда. Уларни ижобий баҳолаган ҳолда, бу ютуқлар биринчи қадамлар эканини, ҳали бу соҳада қилгандан ишларимиз жуда кўпчилигини ҳам таъкидлаш лозим.

Албатта, ҳаёт деган нарса синов ва машаққатларсиз бўлмайди. Лекин арзиманг қийинчиликка ҳам сабр қилмасдан, муқаддас оила қўрғонини бузиш, ажримларга йўл қўйишни барчамиз миллий урф-одатларимизга, меҳр-оқибатли, андишали халқимизга мутлақо ярашмайдиغان ҳолда, деб баҳолашимиз зарур. Нега деганда, агарки биронта оилада нотинч вазият ҳукмрон бўлса, ўзаро низолар туфайли беғуну болалар тирик етимига айланадиган бўлса, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бундай ҳолатга қарши ҳаммамиз биргаликда курашимиз керак.

Ҳозирги вақтда аёлларга сифатли тиббий ёрдам қўрсатиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга доир дастурларимиз ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. Хусусан, оналик ва болалиқни ҳимоя қилишга қаратилган ишлар туфайли 2019 йилда оналар ва гўдақлар ўлими сезиларли равишда камайгани ҳам шундан далолат беради.

Хотин-қизларнинг муножаатлари билан ишлаш бўйича ҳам мунтазам иш олиб боришмоқда. Шу мақсадда 2019 йили 141 минг 500 дан ортиқ опа-сингилларимиз турли масъул идоралар ҳодимлари томонидан қабул қилиниб, улар кўтарган муаммоларнинг ақсарият қисми ижобий ҳал этилганини айтиш зарур.

Уттан даврда юртимиздаги 197 та туманда эўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда билиб-билмай жиноят қўчасига кириб қолган аёлларга нисбатан кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтаришда хотин-қизлар ташкилотлари фол иштирок этмоқда. Бунинг натижасида 261 нафар хотин-қизлар ушбу ташкилотларнинг қафиллиги асосида суд залидан озоқ қилинган асосида ҳис инсонларварлик намунаси.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мангилйи давоми сифатида мен кунги кеча Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан яна бир муҳим тарихий фармонга имзо чекидим. Ушбу ҳужжатта мувофиқ озолиқдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлиб, тузалмиш йўлига қатъий ўтган 83 нафар хотин-қизлар афе этилди. Улар байрам арафасида афе этилди, яқинлари, фарзандлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ана шу афе этилган аёлларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдалани мекнат билан шуғулланишлари, соғлом

турмуш кечириб, жамяятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул идоралар томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳаётда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоат-ишчан ҳам фол иштирок этади, деб ишонман.

Мухтарам юртдошлар! Барчангизга маълумки, январь ойида Олий Мажлиста йўлланган Мурожаатномада халқимиз, жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини янада самарали таъминлаш бўйича кўпгина долзарб вазифаларни белгилаб олдик. Ҳозирги вақтда уларни амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, хотин-қизларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашга оид давлат сиёсати самарасини ошириш бўйича Президентнинг мақсус фармони ва қарори қабул қилингандан хабарингиз бор.

Оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиғи ташкил этилди.

Ҳеч кимга сир эмас, илгари маҳалла ва хотин-қизлар идораларига нисбатан талаблар кўп эди. Лекин, афсуски, бугунги учун уларда имконият ва ваколатлар етарли эмас эди.

Бугунги кунда хотин-қизлар манфаатларини оила, маҳалла ва жамяят манфаатлариндан ажратган ҳолда таъсирли бўлиши мумкин. Ана шу масалаларни комплекс ҳал этиш, бу борада давлат сиёсатини янада юқори босқичга кўтариш — янги вазирлиқнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Маҳаллаларнинг мамлакатимиз ҳаётини катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, 22 март санасини юртимизда — Маҳалла тизими ҳодимлари кунини деб эълон қилдик. Насиб этса, бу янги байрамни биринчи бор шу йил Наврўз кунларида сизлар билан биргаликда кенг нишонлаймиз.

Қадрли дўстлар!

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг соғлом ва баркамол бўлиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўрганиб, жамяятда муносиб ўрин эгаллашини астойдил истади. Айни шу эзгу мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз таълим ва тарбия тизимида мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилмаётгани сизларга яхши маълум. Жумладан, жорий йилда таълим-тарбиянинг пойдевори бўлиб ошларан боғичалари сони кескин ошириш бўйича кенг камровли амалий ишлар олиб боришмоқда.

Қўёслаш учун бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар ўтган йилнинг биринчи чорадаги юртимизда жами 9 минг 700 тадан ортиқ боғча бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 14 минг 50 тага ташкил этмоқда, яъни бир йилда 4 минг 350 тага ортди.

Ана шундай сазй-ҳаракатларимиз билан бу йил болаларни мактабга таълим муассасаларига қараб олиш даражасини ҳозирги 54 фоиздан 60 фоизга етказимиз. Натижада боғчалар тарбиясини олаётган фарзандларимизнинг сони бир йилда 400 мингтага кўпайиб, жами 1 миллион 800 минг нафарга етди.

Бу соҳада биз албатта катта иш қилдик. Аммо бу рақамлар ҳали бизни қониктирмайди. Нега деганда, биз бу масалаларда маррани банд олганмиз. Бунинг замирида жуда катта маъно, мақсад бор. Чунки боғча тарбияси нафақат боланинг ўзига, балки унинг ота-онасига ҳам, қолаверса, бутун жамяят ҳаётига ҳам кучли ижобий таъсир кўрсатади. Боласи боғчада, муносиб шароитда тарбия топаётгани кўрган аёл киши албатта хотиржам қайфиятда, шуқроналик билан яшайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умум-халқ ҳаракати айланиб бормоқда. Шу кунларда "Замонавий мактаб" дастури ишлаб чиқилмоқда. Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш бўйича ҳам катта ишларни бошладик.

Бу борада биз таълимнинг барча босқичларида қиз болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Буюк аллоҳларимиз, атоқли адилбаримиз номларидан мактаблар, Президент мактаблари барча ёшларимиз қатори илм-фан ва санъатга интилувчи қизларимиз учун ҳам кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Албатта, ёш қизларимизни асраб-авайлаш, уларга тўғри тарбия бериш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, халқимизга муносиб фарзандлар этиб камолга етказиш учун давлат ва жамяят ўз зиммасидаги барча ишларни бақаради. Лекин бу ўта муҳим вазифани адо этишда оиланинг меҳрибон бўлиши, мунис оналаримиз, маҳалладаги қайнони аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч ким босолмайди.

Шу ўринда руҳсатингиз билан, машҳур шoirимиз Мухаммад Юсуфнинг икки қатор шеърини ўқиб бермоқчиман:

Қиз бор уйнинг файзи бўлак, дейдилар,

Жаннат йўли — қиз бор йўлак, дейдилар.

Қаранг, қандай маъноли, қандай ҳаққоний сўзлар! Шу муносабат билан бугунги давр-

мизда иштирок этаётган ва мени эшитиб турган муҳтарима опа-сингилларимизга муножаат қилиб айтмоқчиман: келажакимизнинг бахту иқболи бўлган қизларимизни энг гузал фазилатлар, билим ва одоб соҳибалари этиб тарбиялашни ўз эътиборингизга, ўз масъулиятингизга олсангиз, давлатимиз ҳам, халқимиз ҳам сизлардан чексиз миннатдор бўлади.

Бу борада янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиғи, кўпни кўрган нурунийларимиз, хотин-қизлар фаоллари, ҳурматли муаллима ва мураббиялар, Ўзбекистоннинг барча жонқур аёллари ушбу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ёш қизларимизга муносиб таълим ва тарбия беришдек гоят машаққатли, аммо олижаноб ва савобли ишга улкан ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонман.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бугун бир тақдир билан Сизларга муножаат қилмоқчиман: мана шу эзгу ишларимизга камрабаста бўлиб, ёш қизларимизга устозлик қилиб, уларга таълим-тарбия берадиган ҳаққоний мураббийларни рағбатлантириш мақсадида келгуси йил 8 март байрамидан бошлаб ҳар йили Қорақалпоғистон Республикасини, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан энг муносиб вақилини давлат мукофоти билан тақдирлашни тақдир атаман.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари! Таълим-тарбия масаласида кўп йиллар бизни қийнаб келган оғир муаммолардан бири — бу олий ўқув юртиларига қабул квоталарининг чеклангани билан боғлиқ эди. Масалан, 2-3 йил аввал олий таълим муассасаларига қабул даражаси йилга 60-70 минг кишини, бошқача айтганда, мактаб битирувчиларининг атиги 9 фоизини ташкил этар эди.

Шунинг учун бу соҳада ҳам жиддий ислохотларни бошладик. Ўтган йили тарихимизда биринчи марта 150 минг нафар ёшларимиз талабаларига қабул қилинди. Шу тариқа мактаб битирувчиларини олий таълим билан қараб олиш даражасини 20 фоизга етказдик.

Албатта, бу ишлар осонлик билан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун мавжуд моддий-техник, ўқув-услубий базани мустаҳкамлаш, олий ўқув юртилари таркомини кенгайтириш, профессор-ўқитувчилар, педагоглар, илмий ҳодимларнинг профессионал малакасини ошириш учун катта куч, маблағ ва имкониятларни сарфларга тийишга тўғри келмоқда. Лекин қанчалик қийин бўлмасин, фарзандларимиз тақдирини учун, келажакимиз учун биз бу ишлар қўламини янада кенгайтирган ҳолда, албатта амалга оширамиз. Олий таълимга қамров кўрсатишнинг жорий йилда ҳам оила ҳам, ишда ҳам, жамяят ҳаётида ҳам ҳамма нарсага илм-маърифат билан, онгли ва фол ёндашда ва муносиб иштирок этади.

Бинобарин, агар биз фарзандларимизни соғлом ва баркамол, Ватанга содиқ инсонлар этиб вояга етказиш ниятида эканмиз, аввало хотин-қизлар учун илм-фан ва касб-ҳунар йўлларини кенг очиб беришимиз керак.

Агар биз бўлгуси хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, бухорийлар, улугбеклар, навоийларни тарбияламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ҳар томонлама соғлом, юксак билимли ва маънавиятли оналарни тарбиялашимиз зарур.

Биз жорий йилга юртимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб ном бердик, бу борада Давлат дастурини қабул қилдик. Ана шу дастурни ишлаб чиқишда биз аввало ҳурмати оналаримиз, опа-сингилларимизнинг оруз-истақлари, талаб ва эҳтиёжларини ҳам инобатга олдик. Бу борада ўз олдимиизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда ҳам, бутун халқимиз қатори, сиз, азизларнинг бой билим ва тажрибангиз, маданий ва маърифий салоҳиятингизга таянамиз.

Аёлларимиз ҳаётли муаммоларини, оила ва маҳалладаги ўтқириқ масалаларини, уларни бартараф этиш йўлларини, жамяятнинг томир уришини бошқалардан кўра яхшироқ биладилар. Улар ўзларининг меҳрибонлиғи, юксак масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиғи билан барчага ўрнак бўладилар.

Биз давлат ва жамяят бошқарувида, вазирлик ва идораларда чўқур билим ва малакага эга бўлган ташаббускор опа-сингилларимизга раҳбарлик лавозимларини ишониб топшириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Бу масала шахсан Президентнинг назоратида бўлади. Мухтарима опа-сингиллар! Хабарингиз бор, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш устувор вазифа этиб белгиланди ва бу йўналишда кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишни бошладик. Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олиши-

миз керак камбағалликни қисқартириш учун биринчи навбатда ишсизликни камайтириш керак. Аввало, аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларнинг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда, айниқса аёлларимизда тадбиркорликка иштиёқни йўғитиш зарур.

Биз бу борада жаҳон ҳамжамяяти тажрибасини атрофича ўрганиб, халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўймоқдамиз. Айни вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар, Хитой Халқ Республикасини ва бошқа давлатлар билан тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, камбағалликка қарши кураш бўйича шу йилнинг ўзига 700 миллион долларлик дастурларни амалга оширишни кўзда тутмоқдамиз.

Шу кунларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси бошчилигида тузилган республика ишчи гуруҳи вилоятларда бўлиб, турмуш шароити оғир бўлган хотин-қизларнинг аҳолини ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ таҳлил қилиб, илгари амалий кўмак бермоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан қишлоқ жойларда яшаётган аёлларнинг, мустақил ҳаётга қираётган қизларимизнинг ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ҳар бир маҳалла кесимида дастурлар ишлаб чиқирилиб, ижроси ташкил этилмоқда.

Ишчи гуруҳнинг куну тун узлуқсиз ишлаётган, хотин-қизларнинг муножаатларини қабул қилгандан "Ишчи телефонлари" ёки замонавий тилда айтганда, "Колл-сентр" фаолияти йўлга қўйилди.

Энди мамлакатимизнинг исталган шаҳар ҳақи қишлоқдан, чекка овуллардан ҳам аёлларимиз 1211 қисқа рақамли териб, ушбу марказга бевосита муножаат қилиш имконига эга бўлди. Биз бунинг халқ билан самарали мулоқот олиб бориш йўлидаги бошлаган ишларимизнинг мангилйи давоми, деб баҳолаймиз.

Ҳурматили ватандошлар! Маълумки, юртимизда хотин-қизларнинг қўбиллиги ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ҳар йили мамлакатимиз бўйича 28 нафар истеъдодли қизларимиз улғу шоирамиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Ҳозирги вақтда ушбу мукофотга сазовор бўлганлар сони 311 нафарга етди. Бу йил уларнинг сағига яна 28 нафар ўз соҳасининг энг иқтидорли вақиллари бўлган азиз фарзандларимиз қўшилмоқда. Улар ўзларининг самарали меҳнати, ёрқин истеъдоди, ибратли фазилатлари билан барча тенгдошларига ўрнак бўладилар, деб ишонман.

Шу кунларда оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича намунали фаолият олиб бораётган ҳурматили опа-сингилларимиздан 287 нафари "Муътабар аёл" нишонини билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасини бундай эътироф билан самимий табриқлашга икжозат бергайсиз. Ушбу кўптулғ айём арафасида Президент Фармонида мувофиқ Ватанимиз раванқи, халқимиз фаровонлиғи, соғлом ва баркамол авлод тарбияси, оила ва жамяят асосларини мустаҳкамлаш йўлидаги муносиб хизматлари учун бир гуруҳ қадрли аёлларимиз юксак унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Бугун сизларнинг ҳузурингизда ана шундай опа-сингилларимизнинг муносиб вақилларига ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимизга давлатимизнинг юксак мукофотларини топшириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Ҳаётимизнинг файзу фаршати билан мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш бериш, уларни рози қилиш — барча даражадаги раҳбарларнинг нафақат хизмат вазифаси, балки, энг аввало, инсоний бурчидир.

Биз ҳаммамиз — Президент, Ҳукумат раҳбарлари, вазирлар ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар — барча-барча етакчилар ана шундай юксак бурчини аниқ танишлар, амалий ишлар билан оқлашимиз зарур.

Аз

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Кариева Бернара Рахимовна — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси профессори  
Махмудова Робохан Анваровна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси  
Садуллаева Гулчехра — Ўзбекистон давлат сатира театри актрисаси

### «Меҳнат шўхрати» ордени билан

Адилова Фатима Тўйчиевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти лаборатория мудири

Бабажанова Зулфия Реимбаевна — «Тахиятош иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг кимё цехи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Гафорова Фотима — Меҳнат фахрийси, Самарқанд вилояти

Марипова Саодат Торахановна — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг «Минерал ресурслар институти» давлат корхонаси шўба мудири

Мендиева Ранохон — Учқўпrik туманидаги «Мендиева Ранохон» фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

Паррибаева Озода Абдукадировна — Тошкент вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Сабирова Вазира Талиповна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Тураева Гавхаржан Ибрагимовна — Гурлан туманидаги «Наврўз» фольклор-этнографик халқ жамоаси бадий раҳбари, Хоразм вилояти

Шодмонова Мавлюдахон — Марҳамат туманидаги «Барҳаёт Нозимжон файзи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Юнусова Манзурахон Пазилдиновна — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

Юсупова Тутти — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

### I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Жалолова Сабоҳат Ашурқулловна — Сарисоё туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Муминова Мадина Рашидовна — Наманган шаҳридаги «Baby plaza» хусусий мактаби директори, Наманган вилояти

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Аспанова Дилбар Хасановна — Самарқанд иқтисодий ва сервис институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича про- ректори, Самарқанд вилояти

Ахмеджанова Покиза Шавкатовна — Гулистон шаҳридаги «Бопалар шахарчаси» директори, Сирдарё вилояти

Рахимова Мукаддас Араловна — Яқкабғо туманидаги «Маданият текстиль кўп тармоқли» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Қашқадарё вилояти

Сабурова Инжигул Жумабаевна — Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлиминининг «Му- халлас» дуторчилар ансамбли баҳши-созандаси

Усманова Саодат Умаровна — Наманган давлат университетининг педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, Наманган вилояти

Хайитова Рохат Ахмеджоновна — Вобкент туманидаги «Бар- камол авлод» болалар мактаби директори, Бухоро вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

Абдуллаева Максуда Султановна — Урганч туманидаги «Ур- ганч паррада инвент» хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Акрамова Зулайхо Абдуразақовна — Ўзбекистон Респу- бликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентарларо алоқалар қўмитаси аъзоси

Ахмадалиева Нодира Кахрамоновна — Андижон тумани- даги «Gold Andijan pharma» қўшма корхонаси директори, Андижон вилояти

Баходирова Валентина Григорьевна — Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг Қамачи тумани ташкилоти раиси, Қашқа- дарё вилояти

Джавланова Кимёхан Курбанбаевна — Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигининг хотин-қизлар кенгаши аъзоси, Тошкент вилояти

Жолиметова Айтгул Айметовна — Мўйноқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Рес- публикаси

Камбаровна Насиба Ахмадалиевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг фахрий директори

Мустафаева Замира Рустамовна — Галлароў туманидаги «Сарбозор қурилиш транс» хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Облобердиева Зухро — «Хунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси, каштаци-уста

Сабитова Мадия Ирқиновна — Кармана туманидаги «Поли- пропилен қувурлар» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Саидбекова Дахиятпачо Бабаевна — Сўх туманидаги «Са-

риканда» қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори, Фарғона вилояти

Сувонова Дилбар Набиевна — Термиз шаҳридаги 12-Меҳри- бонлик уйи директори, Сурхондарё вилояти

Суцелина Виктория Дмитриевна — «Тошкент қувур заводи» қўшма корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Умарова Нигора Телмановна — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг маъ- навият ва маърифат кафедраси мудири

Умарова Нодира Нигматуллаевна — Ўзбекистон Респу- бликаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи қoшидаги «Ишга марҳамат» мономаркази директори

Усманова Ирабу Ариповна — Риштон туманидаги «Израил Израбон» оилавий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Холбекова Бегойим Абдурахмоновна — Ўзбекистон давлат жажон тиллари университетининг инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Шаназарова Азиза Абдумаликовна — Америка Қўшма Штат- ларининг Колумбия университети профессори

Ширинова Мавлюдахон Расулловна — «Сабр» Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази директори

Эрматовна Назоқат — Бoёвўт туманидаги «Зиёкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдуллаева Умида Хазратовна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи Хўқўбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — хотин-қизлар масала- лари бўйича бўлим бошлиғи

Бобоқуллова Гули Ражабовна — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Бухоро вилояти божхона бошқар- маси «Олот» чегара божхона пости катта инспектори

### «Шўхрат» медали билан

Бекназарова Саида Сафиуллоевна — Тошкент ахборот технологиялари университетининг аудио-визуал технологиялар кафедраси профессори

Бовақуллова Мавжуда Раҳимбердиевна — Янгийўл шаҳри- даги «Ваҳор style» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тош- кент вилояти

Дададжанова Ирода Абдулазизовна — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг «Ёш куч» журналі бош муҳар- рирчи

Игамбердиева Паризод Кадировна — Фарғона давлат универ- ситетининг кимё кафедраси катта ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Инакова Барнохон Баходировна — Андижон давлат тиббиёт институтининг педиатрия ва неонатология кафедраси мудири, Ан- дижон вилояти

Исломова Гулмира Раҳмоновна — «Хунарманд» уюшмаси- нинг Нурота тумани бўлими аъзоси, каштаци-уста, Навоий вило- яти

Каримова Навбахор Валижановна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали сиёсий шарҳловчиси

Мамадиёрова Юлдузой Каршиевна — Шаҳрисабз тумани- даги «Shahrisabz toug» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Мамарасулзода Зулхумор Абулқосим қизи — Жиззах вило- яти маданият бошқармаси қoшидаги «Мақом» ансамбли мақом- чиси

Мансурова Муниса Анваровна — Тошкент тўқимачилик ва енгил сановат институтининг тикув бўюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси мудири

Рахматова Фароғат Шавкатовна — Денов туманидаги «Smart kids» нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Сурхон- дарё вилояти

Турдимуратова Айнур Бахтибаевна — Нукус шаҳридаги «Жайхун универсал қурилиш» масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Халикова Хамида Азимжоновна — «Бекобдцемент» акция- дорлик жамиятининг цех тегирич машинисти, Тошкент вилояти

Химматова Юлдузой Шахритдиновна — «Навоийазот» ак- циядорлик жамиятининг цех аппаратчиси, Навоий вилояти

Хусанова Нафиса Рустамовна — Самарқанд шаҳридаги «SamarKand-England eco medical» қўшма корхонасининг сифат таъминоти бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Хусанова Гавхар Мамаражабовна — Сайхунобод тумани- даги «Гулбахор зиё китоб савдо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Шукророва Гулчехра Шойиқулловна — Қорақўл туманидаги «Гуллар чехраси» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бу- хоро вилояти

Эшчанова Жавҳар Атахановна — Янгибозор туманидаги «Хамид Олимжон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вило- яти

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 6 март

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Абдумўминова Нигора Ихтиёровна — Андижон ма- шинасозлик институтининг 4-босқич талабаси

Нўмонова Зулфия Иқболжон қизи — Тошкент дав- лат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 4-босқич та- лабаси (Андижон вилояти)

Ражабова Нилуфар Комилжоновна — Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич талабаси (Бухоро вило- яти)

Холикова Нозима Нематиллоевна — Бухоро давлат университетининг таянч докторанти

Ибрагимова Вазира Хусан қизи — Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Маърифат ва ҳикмат» масъули- яти чекланган жамияти муҳаррири (Жиззах вилояти)

Илхомова Севара Даврон қизи — Жиззах политех- ника институтининг 3-босқич талабаси

Норчаева Мадина Норчаевна — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 2-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Олимжоновна Бегойим Мансур қизи — Қашқадарё вило- яти Шаҳрисабз туманидаги 42-умумий ўрта таълим мак- табининг 11-синф ўқувчиси

Омонбоева Мерей Эрали қизи — Навоий давлат педа- гогика институтининг 4-босқич талабаси

Сапарова Ситора Шайдулло қизи — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Азимова Дилафрўз Аламхон қизи — Тошкент давлат иқтисодий университетининг 4-босқич талабаси (Наман- ган вилояти)

Тожибоева Олимадон Икромжон қизи — Наманган вилояти Косонлий туманидаги 9-ихтисослаштирилган уму- мий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси

Мууллонова Камола Хусниддин қизи — Самарқанд давлат университетининг 2-босқич магистранти

Усманова Нуруниссо Олимовна — Самарқанд дав- лат университетининг 1-босқич талабаси

Мухаммадиева Ситора Шухратжон қизи — Сирдарё вилояти Бoёвўт туманидаги 4-умумий ўрта таълим макта- бининг 9-синф ўқувчиси

Саматова Шаҳноза Ортиқбой қизи — Тошкент дав- лат педагогика университетининг 2-босқич талабаси (Сир- дарё вилояти)

Абдуразақова Рухсона Илҳомжон қизи — Сурхон- дарё вилояти Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 8-синф ўқув- чиси

Қайимова Сабина Олимовна — Афғонистон фуқаро- ларини ўқитиш таълим марказининг тўғарақ раҳбари (Сур- хондарё вилояти)

Болтаева Моҳира Матёқуб қизи — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент вило- яти)

Жалолова Моҳинур Зиёвуддин қизи — П.Беньков но- мидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мак- табининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент вилояти)

Хабибуллаева Нозима Хайрулло қизи — Тош- кент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 1-босқич магистранти (Фарғона вилояти)

Хомидова Насиба Юнусжон қизи — Тошкент ахбо- рот технологиялари университетининг Фарғона филиали 1-босқич магистранти

Алимова Махлoб Махмуд қизи — Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг 6-босқич талабаси (Хо- разм вилояти)

Шаррибаева Назоқат Қуролтой қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси (Хоразм вило- яти)

Дзвинская Юлия Станиславовна — 2-Республика тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Тоғаймуродова Шаҳноза Шухрат қизи — Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган уму- мий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси.

## ЭХТИРОМ



Дилором ТАШМУХАМЕДОВА,  
Олий Мажлис Сенати  
Ёшлар, маданият ва спорт масалалари  
қўмитаси раиси ўринбосари.

Аёл аввало она сифатида юксак қадр-қимматга, ҳурмат-иззат, эҳти- ромга муносиб. У ўз зурриётига қалб қўри, бутун борлиғи, ҳатто жонини беришга тайёр инсон, миллат тарбиячиси.

## Миллат тарбиячиси

Мамлакатимизда хотин-қизларга гамхўрлик кўрсатиш, уларни ижти- мий-хўқўқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатларини ҳи- мoya қилиш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, мустақкам оилани шакллан- тириш масаласига қаратаётган эътибор жаҳон ҳамжамиятининг эъти- рофига сазовор бўлди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланаёт- ган қонунлар, фармон ва қарорлар ёшлар ҳамда хотин-қизларимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оши- ришда, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ис- лохотлардаги иштироки тобора кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

“Ёшлар парламенти”нинг ташкил этилиши натижасида ёшлар қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда парламент назоратини амалга оши- риш жараёнида иштирок этишлари мумкин.

Айтиш керакки, бугун ёшлар ва хотин-қизларга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Зеро, аёлга эҳтиром — мамлакат истиқ- болига эҳтиром, демакдир. Ўз ўрнида биз Сенат аъзолари ҳам бу бо- рада камарбаста бўлиб хизмат қиламиз.

## Шижоатли ва суюқлисиз

Давлатимиз раҳбарининг аёллар ижтимоий фаоллигини оши- риш, уларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, қийин аҳволга ту- шиб қолган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаши аёлларимизни янги марралар сари руҳлантirmoқда. Албатта, эришилаётган ютуқларда аёлларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Ўйлайманки, бир қатор туманларга аёллар бежиз ҳоким этиб тайинланмади. Эндиликда улар Тумарис авлоди эканини янги мақомада намойиш қилишига имкон яратилди. Буюк Амир Темур бир неча йиллик сафарда бўлган пайтларда салтанат барқарорлигини таъминлашга Бибиҳонимнинг қўшган ҳиссасини яхши биламиз.

Ўзбек аёли нафақат меҳрибон она, севиқли ёр, опа-сингил, балки иродали, шижоатли раҳбар сифатида ҳам ўзини кўрсатишга қодир. Ишонамизки, юртимиз хотин-қизлари амалга оширилаётган ис- лохотлар натижасида ўзлари учун яратилаётган шароит ва имко- ниятлардан оқилона фойдаланишиб, Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар.

Зулайхо АКРОМОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
«Дўстлик» ордени соҳибаси.



## ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

Яқинда Литва Республикасидан мамлака- тимизга ташриф буюрган делегацияни уни- верситетда кутиб олдик. Дунёнинг энг яхши олий ўқув юртлири рейтингига киритилган, 440 йиллик тарихга эга Вильнюс универси- тетини ва 1936 йилда ташкил этилган Литва спорт университети раҳбарияти билан суҳ- батлашни жараёнида хали хориз олий таъ- лим тизимидан ўрганадиган жиҳатлар кўп эканига яна бир бор амин бўлдим.

## Литва юксак даражага эришди... Хўш, биз-чи?

Уларнинг юртимизга ташрифидан мақсад Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўр- натиш ва келгусида талабалар алма- шувини йўлга қўйиш эди. Литва бу- гунги кунда дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига киради. 1990 йилларда биринчилар қаторида со- биқ СССР таркибидан чиқиб, муста- қил давлат бўлганда иқтисоди ба- тамом “ўтириб” қолган Литва бу- гун нафақат иқтисодий, балки барча соҳаларда етакчи мамлакатга ай- ланган.

Агар икки мамлакатни таққослаб кўрсак, Литванинг атиги 2 790 472 на- фар аҳолиси бор, бизда эса 34 016 000 дан ортиқ. Худуди ҳам Ўзбеки- стоникидан анча кичкина. Бор йўғи 65 299 км², бизда эса 448 978 км². Ле- кин ер майдони кичиклиги ва аҳоли сонини камлиги қарамай Литвада 20 дан ортиқ университетлар бор. Евро- пада олий таълимнинг даражаси бўйича 4-ўринда туради. Мамлакат олий ўқув юртлири томонидан бери- ладиган дипломи бутун дунёдаги иш бeрyвчи корхона ва ташкилотлар тан олади, айниқса, тиббиёт, дизайн-лик, журналистика соҳасини битир- ган талабаларнинг профессионаллиги алоҳида таҳсинга сазовор.

Иқтисодий, хизмат кўрсатиш даражаси ўта балан, 2019 йилги ялпи ички маҳсулоти 54,24 милли- ард (82 ўрин), бизники 50,5 милли- ард (86 ўрин). Литвада ЯИМ (ха- ридор қобилияти тенглиги) 101,611 миллиард, бизда 60,490 милли- ард. Аҳоли жон бошига ҳисобла- ганда Литвада 36 997 \$, бизда 1,831 \$ни ташкил этади. Инсон тараққиёти индекси Литвада 0,869

(34 ўрин), бизда 0,710 (108 ўрин) қайд этилган. Илм-фан соҳасини ривожланти- риш учун тинмай меҳнат қилишди, ўқиб изланишди, инновацион го- ларни ўйлаб топишди. Ҳар бир уни- верситетнинг илмий салоҳияти 90 фоиздан зиёд. Бу дегани, профес- сор-ўқитувчиларнинг деярли ҳам- маси илмий даражага эга. Бизда эса 34 фоизни ташкил этади. Бу жуда кам. Литвада фақат давлат эмас, балки одамлар ҳаракат қилади, халқ бирлашади. Улар “давлат менга нима берди”, деб яшамайди. Ўзи учун, ватани ривожланиши учун, ои- ласи яхши яшashi учун курашади, гу- рури, ори балан, меҳнат қилади ва мақсадига эриша олишига ишонди. Уларда давлат ҳам халқ ишончини қозониш учун ички қонунини амали- ётга адолатли тартибда жорий этади ва ўзлари ҳам амал қилади.

Шу ўринда савол тугилади: Литва юксак даражага қандай эришди? Ал- батта, юрт тараққиёти учун масъу- лият ҳамда меҳнат, энг муҳими, мил- лий орият баланглигида! Мана шу уч нарсаларни ривожланиш сари ета- клади. Хўш, бизда-чи?

### Ўзбекистонни қачон ривожлантирамиз?

Қачон миллатимизни, ватани- мизни севамиз, у билан гурурлана- миз. Улар билан суҳбатлашсангиз нақадар ўз миллатини, халқини се- виши, эъзозлаши ҳар бир гапидан сезилиб туради. Биз ана шундай гу- рур билан яшашимиз, фидокорона меҳнат қилишимиз учун мамлакат миқёсида хали кўп иш қилишимиз керак, назаримда. Ижтимоий тар- моқларда соҳаларни фақат танқид

қилиш билан ривожлана олмаймиз, бу нотўғри йўл.

Айримлар ҳамма нарсани давлат қилиб бeриши керак, деб ўйлайди. Аслида имкониятимиздан келиб чиқиб, ўзимизнинг шароитимизни ўзимиз яратимиз керак. Шундай дамда мен ўзимга савол берман: бизда юрт нечта? Реаллик иккитаман:

Реал бозорда иқтисодий тизимни суғий бошқариб бўлмайдим, яъни нон ва гўшт, картошка нархи арзон бўлишини талаб ва тақлиф белги- лайди. Бизда ҳам инсон капитали ишлаши керак.

Юқорида айтганимиздек, аҳоли ва худуд жиҳатдан бизнинг мамлакат- дан анча кичик бўлган Литва иқтисо- дий инқироздан чиқиб, Европанинг та- раққий этган давлатлар рўйхатидаги тўртликка даъво қилаётган пайтда биз — 7 та Литва সিғадиган 34 миллион Ўзбекистон халқи вақтимизни, қила- ётган меҳнатимизни нималарга сарф қилаётганимизни энди жиҳдий ўйлаб олишимиз лозим.

## ЭЪЗОЗ

Баҳор фаслининг илк кунлариданок майсаларнинг сокин шивирда кўнгилга шеър инди:

... Сен куйлаган  
ўрик шу кеча  
Бурканди оқ —  
оппоқ чечакка...

Халқимизнинг сеvimли шоираси Зулфияхоним қаламига мансуб нафис чизгилар, худди баҳор чечакларидек, содда, самимий, энг муҳими, халқ тилида жаранглаб кўнгилга тўкилади.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий матбуот марказида “Журналист аёлларнинг миллий медиа муҳитдаги ўрни” мавзусида ташкил этган давра суҳбати журналистика соҳасида қалам тебратиб келаётган фидойи хотин-қизларни байрам билан муборакбод этиш тантаналарига улаиб кетди.

## Атиргул баргидаги дилхат



Байрам тадбирини ўтказишда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси, “Тасвирий ойна” уюшмаси ҳамда Мустақил матбуот фонди ҳамкорлик қилди.

**Саъдулла ҲАКИМОВ,**  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси:

— Аввало, уюшмамиз номидан барчангизни мамлакатимизда табаррук айёмлар қаторидан ўрин олган, баҳор байрамлари сифатида нишонлаш аънамага айланган 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан сидқидилдан муборакбод этаман. Сизлар наинки оила жонқури, шу қатори жамиятимизнинг фидойи, фаол аъзоларисиз. Олмайви ахборот воситалари сафида қалам

тебратиш заҳматини кифтида тутган, “Матбуот — жамият ойинаси”ни нурлантирган, соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни оммага етказишда жон тўтиб меҳнат қилаётган сиз — хотин-қизларнинг самарали ижодингиз таҳсинга сазовордир.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилни: “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб номладилар. Албатта, ОАВлари жамият онгига маърифат ва маънавиятни улашувчи, ёрқин келажак ойнасини нурлантирувчи, жамиятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини оммага етказувчи, шу қатори, айрим соҳаларда йўл кўйлаётган хато ва камчиликларни рўйи рост ёритувчи ижод соҳиблари ҳи-

собранади. Албатта, қилинаётган меҳнатларимиз давлатимиз томонидан эътироф этилмоқда. Мустақиллик йилларида 2 минг 180 нафардан ортиқ хотин-қизлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Улар сафида 30 нафар аёл “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвонига сазовор бўлишди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони, юксак даражадаги орден ва медаллар билан мукофотланганлар сафи йил сайин кенгайиб борапти...

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида журналистларнинг тутган ўрни, журналист аёлларнинг медиа макондаги фаолияти ҳамда касб маҳоратини оширишда ижодий уюшманинг яқиндан кўмак кўрсатаётганини эътироф этишди.

**Муҳаббат**  
**ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси матбуот хизмати раҳбари:

— Аввало, байрам арафасида тақлиф этганларингиздан миннатдорман. Қачонки, адолатни устувор билиб, ҳақиқат тарозусида иш юритган журналист қалам орти обрў топади. Қолаверса, арзимас эътибор ҳам журналистга илҳом беради, янада фаол ишлашга ундайди.

Айни пайтда мамлакатимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётган, турли соҳаларда хизмат қилаётганларнинг 45 фоизини аёллар ташкил этаётгани қувонарли ҳол. Жумладан, давлат ҳамда жамоат

ташкilotларида бугунги кунда 1 минг 400 нафар аёл раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Уларнинг 24 нафари сенатор, 48 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати. Энг қувонарлиси, уларнинг сафида журналист аёллар ҳам борлиги соҳанинг

Вазифамиз бизга бўлган ишончни оқлашди.

— Узингизга маълум, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти танловида ўтган йиллар давомида 90 нафар, “Йилнинг энг фаол журналисти”,



профессионаллик даражаси янада ошаётганини кўрсатади.

**Гулнора БОБОЖОНОВА,**  
Журналистларни қайта тайёрлаш маркази раиси:

— Бугун биз фахр билан айтишимиз мумкин, Президентимиз жамият ривожини муносиб ҳисса қўшаётган хотин-қизларни эътибордан четда қолдираётганлари йўқ. Улар доимий равишда эъзозланиб келинмоқда. Ҳар гал нутқларида журналистларни ўзларига яқин оладилар.

“Энг улуг, энг азиз” республика танловларида 160 нафар хотин-қизлар голиб бўлишганини алоҳида таъкидламоқчиман, — деди С.Ҳакимов ОАВларида фаол меҳнат қилаётган аёлларни алоҳида эътироф этиб.

Байрам тадбири тантанали тус олди. Иштирокчи аёлларнинг юз-кўзларидаги ҳаяжон, улғуворлик мажлислар залига кўчди.

**Юсуф ЖҲҲАЕВ,**  
“Hurriyat” мухбири.

## МУНАВВАР ТҮЙҒУ

Аёл шаъни нима у? Бир аёлнинг гурури у қандай бўлади? Бу борада муттасил Тўмарисдан жавоб кидирганман. Ноёб фазилатлар қалбда бекиниб ётмаслигини, томирларда оқаётган қондек гуруриб туришини асрларки, у менга уқтириб тураверади. Аслида ор ҳам, номус ҳам, муҳаббат ҳам кўз-кўз қилинмайди. Бу туйғулар қонингда абадий уввос тортади, ғалаён кўтаради.

## Қайдасан, Тўмарис?!

Болалигимда Онам билан қўшни қишлоқдаги бозорга борганмиз. Жуда ёш эдим: Отамни, Онамни, ака-укаларимни, ойим олиб берган чиройли бошмоқларимнигина танирдим, холос. Онамнинг қўллари тўла сумка бўлганидан, кўйлагидан ушлаб юрганман. Тикилинча Онамнинг кўйлагини кўйиб, бошқа бир — худди онамникидек либосдаги аёл кўйлагидан ушлаб кетибман. У аёлни Онам эмаслигини билганимда дод солиб йиғлаб юборганман. Юрагимда илк Ватан туйғуси ана ўшанда уйғонган эди. Бир хил либосли вужудлар эмас, унинг ичидаги қалб ва қалбдаги энг ҳарорати баланд туйғулар инсонларни бошқариб туришини кейин англаганман. Мен йиллар давомида ўз ичимнинг энг чуқурларига тушиб Тўмарисни кидирганман: қайдасан, Тўмарис?!

Ҳа, ана шу тахлит тугмалари узилган, камари ечилган дунё қошида туриб, Тўмарисни ахтариб катта бўлдим. Орингни, номусингни, виждонингни, қонингни мерос қилиб қолдирмадингми бизга, деб ҳасрат қилгим келаверарди. Туйғуларимга, ҳисларимга муттасил шاپатлар тортилганида, қисмат қамчисининг товусидан хар гал сесканганимда, кўнгилнинг кўзларига кўзларимни тикканда, ташқаридаги ва ичкаридаги “Мен”лар қунонида қолганимда сени ахтаравераман, Тўмарис!

Бозорда икки аёл бир парча ер устида оғзидан аждар оловини сочиб уришади, ҳа чорасизлик, дейман. Тирикчилик шу кўйга солган. Эри рўзгор боқолмайди, тўй қилиши керакдир, касал боқайтандир ва бошқа бир арава сабабларни рўкач қилиб уни оқлайман. Сен-чи, чорасизликка қандай чора топгансан, Тўмарис?

Майли, улар ўқимаган, саводсизлик, омилиқ шу кўйга солиб қўйгандир. “Диплом”ли аёлларнинг аҳоличи, фитнаси, фариби, иккиюзламалиги, сотқинлиги, ноҳалоллиги... бунга нима дейсан? Хар бир аёлнинг қўлидаги диплом унинг виждони, ори, номуси, поклиги, ростлигини шаҳодатлай оладими? Қўлдаги ҳужжат қалб тозаллиги учун ҳужжат бўла оладими? Ўз вақтида бекаю бегойимлар, хониму хонзодалар бўлган аёлларнинг зурриёдлари қаерда? Чавгон таёғига ўхшаш кўнгилни тахтақ(гипс) қўйиб тўғирлаб бўладими? Виждонсизликнинг, қалбсизликнинг сабабкори ҳам чорасизликми?

Кетавераман, Тўмарис мен сени излаяпман. Мамлакатимизда неча болалар уйлари бор, санай бошлаيمان битта, иккита... бешта, олти... ва хоказо. Бирок бу уйдагиларнинг дардини, соғинчини, изтиробини-чи, санаб санаювчи етиб бўладими? Тўмарис қизлар қаерда, болалар уйлари-



дами? Улар ўз душмани билан қовушган “Тўмарис” ва Кирнинг авлодларими?

Ёшлина қиз, ҳали мактаб ўқувчиси, ўз отасининг қотилига айланганини эшитаман. Панжара ортида қизнинг қалбига келадиган (эҳтимол, ҳеч қачон келмайдиган) баҳорлар ҳақида ўйлайман. Бу баҳорларни хидлаб бўладими энди? Гулсиз, гиёҳсиз баҳорлардан иборатми, маҳжум қизнинг навбахори? Тўмарис, қонли мешга солган Кирнинг бошига ўхшаб кетди қизнинг қисмати...

Парда кўтарилди, худди отда келаётган Тўмариснинг ҳарир рўмоли учгани каби. Олис қишлоқларда ҳатто яратгандан бетаъма, қалбига уруғ қадаб яшаётган онахонларни кўраман. Улар қавиётган кўрпача қатимларида Тўмариснинг бармоқ излари ярқираб кетгандай бўлади. Чорасизликдан эмас, орсизликдан кўрқадиган, озиқ-овқат эмас, меҳру муҳаббат қатчилигидан ҳайқадиган аёлларни кузатаман. Кунда, кунора нон ёпиб, олов билан тиллашиб рўзгор тебратаятган, фарзандини киприклари орасига қўйиб тарбиялаётган, индамайгина улкан қалбни кўтариб яшаётган оналарга қалбим боғланаман.

Алданган, ташланган, уринган, эзилган, йиқилган ва яна оёққа қалқан, юрагига ямоқ тушган аёл — мен сенман аслида. Ҳа, мен сенинг йилт этган умидингдан, қалбинга думалаган маржон-маржон кўз ёшларингдан, суккутдаги ҳақиқатингдан Тўмарисни кидиришдан бир даъфа бўлсин, чарчамадим, толмадим.

Аёл бу — виждон. Виждон бу — доғ инмаган қалб. Мен излаётган Тўмариснинг виждони бутун бир миллат аёли учун кўзмуңчоққа айланса, дейман!

Гўзал БЕГИМ.

## ҚУТЛОВ



SANOAT QURILISH BANK

Азиз опа-сингиллар!

Барчангизни баҳорнинг илк айёми — 8 март —

Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этамиз!

Баҳорий кайфият умрингиз давомида ҳамроҳингиз бўлсин!

**СИЙРАТ**

Темур Широнови отам яхши билар эди. Газета ёки журналда бирон илмий мақоласи чиқса топиб ўқирди. Маҳаллага чиқиб одамларга “Темурнинг билими зўр, мақоласини ўқиган билади”, деб гурурланиб мақтаб кўярди.

**Илм одами**

Мен Темур акани илк бор 1973 йили Тошкентда кўрдим, ўша пайтлари фан номзодлигини ёқлашга тайёргарлик кўрарди. У кишининг тонг сахар туриб столида китоб мутолаа қилиб ўтирганига, илмий иш-ни ёзиб-чизиш билан машғул бўлганига ўзим кўп бора гувоҳман. Биз ўқиш, иш билан уйдан чиқиб кетардик, кечки пайт келсак ҳали ҳам столда мук тушиб қоғоз қораларди. Темур ака дарс қилса бутун вужуди билан берилиб кетарди. Биз имкон қадар ҳалал бермасликка ҳаракат қилардик.



Темур Шировининг ота-боболари асли Жиззах вилоятининг Фориш туманидан. Отаси Ширин бобо ўқимишли инсон бўлиб, араб тилини жуда яхши биларди. Ширин бобонинг катта ўғли Шакар ака биринчи ўзбек ҳарбий учувчиларидан. Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги бўлинмада хизмат қиларди. Шу-шу Темур ака аввал мактабни, сўнг институтни Термизда ўқиб битирди.

Мактаб давридаёқ у кишининг тарихга, археологияга қизиқишини, Далварзентепа тўғрисида маълумотлар йиғиб, ўрганиб юрганини кўпчилик биларди. У илмга бўлган қизиқиши, тинимсиз изланишлари тўғрисида илмий иш-ни муваффақиятли ёқлади.

Самарқанд Археология институтида ишлаб юрган кезларида мен кўп учрашганман, доим узоқ тарихдан савол берардим, у киши эринмай ҳижжалаб жавоб берарди. Шунингдек, бу одамнинг уйига Франция, Япониядан келган олимлар билан ўтказган қизгин суҳбатлари мени ром этарди. Олимлар даврасида бўлиб, самимий суҳбатларини эшитиш нақадар мароқли эканини ўшанда англагандим.

Т.Шировининг яна бир одати, у киши ҳеч қачон унвон, амал, шон-шўхрат учун ишламасди. 2011 йили Республика Халқ таълими вазири этиб тайинланди. Табриклану учун олдида бордим, менга: “Бу катта масъулият, мен илм одамиман, лекин раҳбарият топшириғи, бажармасам бўлмайди”, деганди.

Темур ака илмий унвонларга ҳалол меҳнати орқасидан эришган. Бугунги кунда икки фарзанднинг отаси. Уларнинг истиқболдаги камолидан мамнун яшаб келмоқда. Фарзандлари роҳатини кўрсин!

Ҳамидулло ДАМИНОВ.

Кутлов

## Самарқанд вилояти Пастдарғон тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 68-МТТ жамоаси

*Азиз ва мўътабар она-оталаримизни, юртимизнинг барфа хотини-қизларини, меҳрибон опа-сингилларимизни ҳамда шифодан-шакар жаҳҳи қизалоқлар ~ шарбилланувчиларини*  
**8 март ~ Халқаро хотини-қизлар кунин байрами билан ёни қалбдан табриқлайди!**

*Дунё ғўзаллиги, олам мунавварлиги ~ Сиз билан.  
Ҳаммита бор бўлиши, бахт-иқбол, самимий қўлгу ва таваққул доимий хамроҳингиз бўлсин!*

**8 Март**

**МИННАТДОРЛИК**

Баҳор ўлка-мизга янги қувончлари, тухфалари билан яна ташриф бурди. Кунин кеча “Мўътабар аёл” кўкрак нишонига сазовор бўлдим.



**Қувончим чексиз**

Камтарин меҳнатларим эътирофи қалбимга қувват бағишлади. Бу меҳр ижодий имкониятларимга янада илҳом берди.

Аслида аёл борки, мўътабар атамаси тилимизда жаранглаб туради. Бу юксак эътирофни меҳнатим, касб-коримга бўлган садоқатим, жо-нажон ватаним равнақиға қўшган ҳиссам билан Ҳамиша бошим узра кўтариб юраман.

Дилбар МАҲМУДОВА,

фахрий журналист.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Она —  
маданият чироғи**

Аёл — у қалдир-ғочдай меҳрибон, бургут каби чап-даст, лочиндек учқур, мусичадек безор!



Бир қўли беланчақда, бир қўли меҳнатда!

Меҳрибон оналаримиз, мўътабар аёлларимиз, ғамхўр опа-сингилларимизни Халқаро хотини-қизлар кунин билан чин қалбимдан табриқлайман.

Ҳар бир миллатнинг маданияти унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади, деган экан донишмандлардан бири.

Дарҳақиқат, азал-азалдан аёл номини улуг билиб, хотини-қизларни эъзозлаб келган юрда яшаймиз. Маданиятимиз, маънавиятимиз чироғи бўлмиш азиз онажонлар, опа-сингиллар, дилбар қизларимиз, байрам муборак бўлсин!

Малика ҚОДИРОВА,

Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Реклама

# QISHLOQQURILISHBANK

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ МУДДАТЛИ “ЯНГИ МАҚСАД”  
ОМОНАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

омонат муддати — **370 кундан 550 кунгача**

фоиз ставкаси — **йиллик 21%**

**Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.**

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**“Қишлоқ қурилиш банк” – фаровон ҳаётингиз хизматида!**

## “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг яна бир компанияси ЛИЦЕНЗИЯ ОЛДИ

2 март куни Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” гуруҳига кирувчи “SQB Securities” масъулияти чекланган жамиятига лицензия берилди. Янги компания инвестицион воситачи, инвестицион консультант, шунингдек, инвестицион активларнинг ишончли бошқарувчиси ҳисобланади.

“SQB Securities” директори Амур Жалиловнинг таъкидича, компания халқаро капитал бозорига чиқиш ҳамда халқаро ва маҳаллий бозорлар ўртасида асосий боғловчилик ўрнини мустаҳкамлашга эътибор қаратади. Шу мақсадда ҳам маҳаллий, ҳам хал-

қаро ҳамкорлар билан инвестиция-банк соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали капитал бозорига инновацион ечимлар, маҳсулот ва хизматлар татбиқ этилади.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директори

Отабек Назиров (қуйида суратда ўнгда) тижорат банкларининг капитал бозорига профессионал иштирокчилар сифатида фаол кириб келишини олқишлади.

— Биз компанияларимизни хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвесторларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш ҳамда капитал бозорининг ликвидлигини ошириш учун банкларимиз ва халқаро инвестиция компаниялари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ниятидамыз, — деди жумладан О.Назиров.



## Банк томонидан SQB стипендияси жорий этилди

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан республикада олий ўқув юртлири, хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг Ўзбекистондаги филиаллари ҳамда чөл элдаги таълим муассасаларида тахсил олаётган ўзбекистонлик фуқаролар учун SQB стипендияси жорий қилинди. Стипендия миқдори республика ҳудудида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 баробаригача этиб белгиланади.

SQB стипендияси молия, иқтисод, ахборот технологиялари, математика, ҳуқуқ ва банкнинг бизнес жараёнлари билан боғлиқ бошқа зарур мутахассисликлари бўйича бакалавр йўналишининг 3-, 4-босқич ва магистратура бўлимида тахсил олаётган иқтидорли, ташаббускор, замонавий фикрлайдиган, юқори билим ва малакага эга, хорижий тилларни мукамал эгаллаган ҳамда ўқишни муваффақиятли давом эттираётган ва тамомлаётган талабаларни танлов ва саралаб олиш асосида тўланади.

Бунда талаба-ёшларнинг ўқув жараёнида юқори рейтинг кўрсаткичларга эга бўлиши, давлат ва хорижий тиллар (камида битта)ни мукамал билишига ало-

ҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, талабгорлар SQB стипендияси бўйича банк тизимида тузилган Экспертлар гуруҳи томонидан суҳбат ва тест сновларидан ўтказилади.

Банк фаолиятига оид фанлар, ахборот технологиялари, математика йўналиши бўйича халқаро ёки республика олимпиадаси совриндорларига эса танлов якунида устуворлик берилди.

— Маъмур лойиҳа банк тизимида ишлаб чиқилган янги HR стратегияси асосида амалга оширилмоқда, — дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” ходимларни бошқариш департаменти директори А.Нодиров. — Бунда

банкни трансформация қилиш жараёнида кадрлар сиёсатини самарали юритиш, хусусан, ходимлар захирасини ўқишда, илмий изланишда ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол бўлган иқтидорли, ёш кадрлар билан тўлдириш ва шу билан бир қаторда олий ўқув юртлири талабаларига банк ва ахборот технологиялари йўналишларида профессионал фаолият бошлашлари учун қулай имконият яратиш мақсади кўзда тутилган.

SQB стипендияси танловида иштирок этиш ва номзодлардан ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисида яқин кунларда батафсил эълон қилинади.

Банк Ахборот хизмати.

Қуллов





## Қадрли ва мунис аёллар!

“Туронбанк” акциядорлик тижорат банки жамоаси  
янгилиниш ва нафосат байрами бўлмиш

8 март – Халқаро хотин - қизлар кўни муносабати  
билан меҳрибон оналаримиз, гамхўр она-  
сингилларимиз, ишбилармон аёлларимизни  
чин қалбдан мубораққод этади!

Нурли юзингиздан сеҳрли табассумингиз ҳеч ҳам  
аримасин, оилавий тинчлик – хотиржамлик  
сизнинг сизнинг саломатлик ва эзгу ишларингизда  
улқан зафарлар тилаймиз!



Реклама ҳуқуқи асосида

ШЕЪРИЯТ

# Самоларда соғинчларим бор



Фароғат КАМОЛОВА

Муаллиф хақида:

Фароғат Камолова — 1959 йил Жиззах туманидаги Мўлканлик қишлоғида тувланган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган (1981). “Осмон парчаси” (1982), “Узоқ сафарлар”, “Баргизуб” (1990), “Холатлар китоби” (2000) каби шеърий тўпламлари нашр этилган.

Балки улгурмадим дўстларга ёқиб,  
Кўлим ҳам бормади яна кўп ишга.  
Кечикдим, эҳтимол, тириклик учун,  
Ватан, кечикмадим сени севишга.

Мангулик осмони қораймас сира,  
Онам, сўнг отамнинг руҳин учирдим,  
Ватан, сенинг каби азиз хотира,  
Богларингда азиз излардан юрдим.

Мен ҳам ўтдим баҳор ўтган йўллардан,  
Шабнам ичган тонлар ўтди кўнглимни.  
Балки кўп нарсани унутдим бу дам,  
Ватан, унутмадим бирор йўлингни.

Табиатда майин бир шивир,  
Юз очмоқда нозик куртаклар.  
Кезиб юрар кўшиқлар бунда,  
Бу кўшиқлар мени сўроқлар.

Минг новдада минг ифор, минг ранг,  
Келинчақдай сулувдир олам.  
Хаяжонни севган юракни  
Хаяжонлар сўроқлар бу дам.

Кўнглиларда ажиб бир сурур,  
Диллар тинлар гўзал навоини.  
Биз қуйлаган мўсаффо кўшиқ  
Сўроқлайди бугун дунёни.

## Эрта кўклам шеъри

Куламан, йўлимда гуллар кулади,  
Йиғлайман, кўз ёшим гўёки шабнам.  
Боглар юрагимга яқин келади,  
Шу кўклам сингари ўзим ҳам шодман.

Оҳиста тўқилар ўрик гуллари,  
Гўё бир йиғитнинг кўнгли изҳори.  
Кўлларимга олиб бахтли бўлман  
Ёридан хат олган қизлар мисоли.

Хаёлимдек чексиздир осмон,  
Хаёлимдек чексиздир замин.  
Оралиқда яшар бир армон,  
Яшар бетини менинг юрагим.

Оқ булутлар ичра осуда  
Ёлғиз бир қуш самода дайидир.  
Шу қўшанинг тинч парвозида  
Соғинчларим борга ўхшайди.

Кўйда вазмин булутлар сузар,  
Ухлаб ётар самода оқ қор.  
Ухлаб ётар мангулик сирлар,  
Самоларда соғинчларим бор.

Фақат ишжиқ жоним ҳасдида  
Юлдузлар ҳам порлайдилар жим.  
Юлдузларнинг шундай остида  
Жилмаяди менинг Ватаним...

Хаёлимдек чексиздир осмон,  
Хаёлимдек чексиздир замин.



Деразда тонинг оппоқ нигоҳи,  
Тебранади хаёл каби ўрикзор.  
Менинг кўзларимга жимгина боқиб  
Шундай ёнгинамда турибди баҳор.

Шамоллар йўлида ёмғирнинг ҳиди,  
Зангор ўтлоқларга тўқилар ёмғир.  
Менинг кўзларим ҳам ёмғирга тўлди,  
Ўрикзор-чи, ҳамон тебранамоқдадир.

Баҳор хаёлларнинг бағрида сокин,  
Баҳор хаёлларнинг бағрида гўзал.  
Яна ҳам оқ бўлар тонинг нигоҳи  
Баҳор хаёлларга айланган маҳал.

# Кўзларимни ўқишни ўрган

Гоҳ ёмғир, гоҳ қуёшдан дастхат  
Олган тилсим, ким дастлаб кўрган.  
Ёниб кетган минг қақирим хат —  
Кўзларимни ўқишни ўрган.

Бир сўз дема ва жавоб кутма,  
Бу сўнги он, дариллар тутма,  
Эслаб қол! Бир умр унутма! —  
Кўзларимни ўқишни ўрган.

Йўл кўринур йўл қарай десанг,  
Сўнг кетавер қай борай десанг,  
Ҳеч йўқ яшашга ярай десанг,  
Ишқда савод чиқарай десанг  
Кўзларимни ўқишни ўрган.

Нимёруғ хонанинг бир бурчи ҳорган,  
Кўлингиз тонгача қаламча тутқун.  
Хаёдан бу ҳоли олиб, деворга  
Соғингани чиқиб ўлтиради У.

Шамолга айланиб келади гоҳ  
Қанот боғлай дея қоғозларига.  
Сиз бор ҳовучларга тўлар “илоҳо!..”,  
Тебраниб кетасиз овозларига.

Қаршингиздан чиқса, титроқ югуриб,  
Нафаси бўғизда бўлинар ярим.  
Кўзингиз кўзига тўқнашмай туриб  
Сочилиб яйрайди кўзминчоқлари...

Интиқ кўчангиздан ўтмаган ҳамон,  
Унинг ҳам қўчаси кўрмаган сизни.  
Юз бор суҳбатига бўлгансиз, аммо,  
Танимайсизми?

Билмайсиз, бир қизки, ўйлари ҳарир,  
У севган денгиздек нигоҳингиз жим,  
Биров пайқамасини дея, тунлари  
Тушига беркитиб ухлаганларин.

Сиз сўзга буркайсиз уни тамоман  
Қун келар, ўшандан бошланади қун.  
Бир умр ёп-ёруғ хона ичра ҳам  
Соғингизга дўғиб ўлтиради У!..



Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА

Муаллиф хақида:

Нозима Хабибуллаева — 1996 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. “Биринчи китобим” лойиҳасида “Мовий кўшпик” китоби нашр этилган. Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетини Олий адабиёт курси магистранти. Қуни кеча Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди.

Гармсел енида ўйнар саратон,  
Яногим куйдириб ўтаркан атай,  
Безовта тиртирар кичригим ҳамон  
Училини билмаган қўшчадай.

Боқасан, кўзингга осмонни жоїлаб,  
Тутасан ер тизган нигоҳим.  
Вақтининг нафасин тўхтатиб  
изҳорлар ичра  
Кўксимдан қадами эшитилар  
бахтининг.

Низун дунёсидан дунё ариган,  
Сўроқлайсан ўнгим ва хоҳларимни.  
Атирдулинг олов қўйлақларига  
Беркитиб қўяман жавобларимни.

Сўнгра иккимизни опичлаб руҳ-ла,  
Қуниинг қанотида ёздирганча шеър,  
Елқаларинг каби бепоян уфққа  
Оқиб кетаётир осмон билан ер...

Шифокорнинг гапи самимий ва бениҳоя қатъий эди:  
— Хорижга олиб бориш керак. Эҳтимол, у ерда ҳам давоси йўқдир, ҳар ҳолда маълум муддат умрини узайтириши мумкин. Мен сизнинг кўнглингизни кўтаришим, яхши бўлади, дейишим ва умид бор, деб айтишим ҳам мумкин эди, бироқ ўзингиз ростини сўрадингиз...

У қаридорга чиқиб деразадан ташқарига қаради. Қизи ўриндикда оёғини осилтириб ўтирар, сал нарида бир аёл боласига ниманидир берилиб тушунтиряпти, бола гоҳ дарахларга, гоҳ қизчага қараб қўяди. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасан, мана кўрасан, бу дўхтирларнинг гапи чикора, мен сени дунёдаги энг бахтли қизга айлантираман, деб эркак ташқарига йўналди. Қизини бағрига босиб дарвоза томон юрди.

«Балониям билмайсан, нега ўқидинг, виждонинг борми ўзи, хориж эмиш...» Нима ўзимизда даволаш қўлингдан келмайдими? Нега ахир? Шунча одам яшаб юрган дунёда нега энди бу дард келиб-келиб жажжи қизимга учракан, нималигини айтолмадинг-ку, яна дўхтир эмиш...

Эркак тўнгилаб дераза остидаги уч қулочдан ортиқ жойни кетмон билан чопар, ахён-ахён пешонасини артар ва бемаҳал, бир оғиз касалман, деб айтмаган, икки кунда оёқдан, сўнг тилдан қолган хотини билан хаёлан гаплашарди: сенам эшитдингми, Нисо, қизимнинг дардига даво йўқ эмиш. Бу касалликнинг номи хали тиббиётда аниқланмаган, миллиондан биттагаям катта эҳтимол билан учрармиш, толган гапини қара, миллиондан битта. Шу, дейди ўзига ярашмаган мўйлов кўйган, буям камдай кўзойнақ тақиб олган дўхтир, бемор индамай юраверди, балки уч кун, уч соат ҳам бўлиши мумкин, бироқ кутилмаганда, йиқилади-да, аввал оёқдан, сўнг тилдан қолармиш... Шунга гап бўлди-ю хотиним ҳам балодай юрвди, кейин... деб сенинг бу дунёда йўқлигини айтсам, генетикаям бўлиши мумкин, бу сингари касалликлар суяк суради, авлоддан-авлодга ўтади, худди қанд касаллигининг бир туридай, лекин қанда даво бор, дейди, Нисо. Бўладиганини гапир десам, хориж дейди, агар сен айтган ўша хорижингга олиб борсам, ҳеч бало кўрмагандай бўлиб кетишига кафолат берасанми, десам, мен бир воситачиман. Худо билади уёғини, дея сизга чекиди, тутуниниям ўхшавсиз чиқаркан, дод деб юборсан. Пул... Уша нарса йўқ-да. Тўйнинг дастурхони — бир

кун, азаники — қирк кун дерканлар. Бор йиғиб қўйганим кетди-да. Нусрат бова дўхтирлар оғзига келганини валдирайверади, сан яхшии гулзор барпо эт, ана, шу гулзорни яхшилаб парвариш қилсанг — қизинг ундан завқ олса, кўрмагандай бўлиб кетади, дейди. Билмадим, Нисо, билмадим, одамнинг бошига ташвиш туьса хаёли ўзида бўлмас экан: ким нима деса қилайман. Сен ҳам йўксан-да, бўлмаса-ку, эҳ, багри қаттиқ дунё... Пул... Хабаринг бор эди, Маданият уйининг директори иш ваъда қилган: хабар бераман, деганигаям ҳафталаб бўлиб кетди. Ё ҳовли-жойни, мол-ҳолни сотиб, хорижга об кетсаммикан, нима дейсан, Нисо? Ахир, ўзинг биласан-ку, шу ёлғиз тирноқ учун йиғирма йилдан ортиқ сабр қилмадикми... шу тирноқ учун сен бечора қанақа дашномларга чидадинг, камситишларга, хўрлашларга жимгина дош бердинг, ҳатто тугмас байтал дейишгандаям ёнг демаядинг-а, жонинг ҳам тошдан экан, сен шўрликни. Мен-чи? Мени шохин синган ҳўкиз дейишдилар-а? Э, одамлар, одамлар...

Эркак жаҳд билан ерга кетмон уради, кичкина кесақлар деразага отилиб чирс-чирс овоз чиқарар, бунга сари унинг газиби тошарди. Талош вақтигача ерни ағдариб, омбордан сарғиш қолга солинган уруғини олиб чиқди-да, менмас устоз гулчиларнинг қўли дея, қорайиб турган ерга сепди. Бу ерни шундай гулзор қилайки, қизим, худди шу ерда дардига даво топади. Дўхтирлар оғзига келганини валдирайди-да, ҳали кўрсатиб қўяман...

Эртаси тушликка яқин қизалоқ дераза раҳиғача кўтарилган осма кароватда ётиб, отаси барпо этган, сал кунда гулзорга айланандиган, айнаи дамда маллатоб тус-



# ОТМАГАН ТОНГ

Ҳикоя

даги ағдарилган ерни томоша қилиб ётарди. Шундай гулзор қиламанки, унинг муаттар хиди етти иккимга таралади, деган отасини кутиб ахён-ахён дарвоза томонга қараб қўяди қизалоқ. Отаси бозорга кетган: қўғирчоқ олиб келади-ку. Қизалоқ кутади, ишқилиб қоронғу тушгунча келсин-да, у-ку, қўқмайди, лекин ухлаб қолиши мумкин-да... Кейин отаси хафа бўлади: ҳай, эси йўқ қиз, мен сенга қўғирчоқ олиб келсам-у сен ухлаб қолдингми, деб кўзи ёшланади. Ана, қизалоқ отасининг кўзига ёш келишидан қўрқади. Шунинг учун у ақлли қиз — йиғламайди.

Хайрият, отаси қоронғу тушмасидан келди. Вой, бунча чиройли бўлмаса бу қўғирчоқ. Бу сенга дугона, ҳамма гапингни шунга айттавер, мана, қара, бу ерида диктафонин бор, лекин битта чагоғи бор экан-да, бу фақат битта гапини ёзиб қоларкан. Иложи йўқ-да, дейди сотувчи амакин, яна бешолтита гапини ёзадиган топиб бер десам. Ҳозирги модел дейди. Майли-да, ўзингга ёққан бирор гапини айтсанг, маза қилиб эшитиб юрасан.

Орадан қирк кундан ортиқ вақт ўтди. Отанинг боши осмонда, қизнинг кайфияти чоғ: қорайиб ётган ерда гуллар тизза бўйи кўтарилиб қолди.

қизалоқ, бунча тез катта бўлишди, дея хайратланди.

Отаси яхши одам. Тонг саҳардан то кечгача гулзорда: яғана қилади, бегона ўтларни юлади, сув қуяди. Қизига қараб, қара, жон қизим, дугонамизга айтинг келсин, ўйнаймиз деяпти, дейди. Қизалоқ ич-ичида хурсанд бўлади, қиқирлаб кулади.

Бир кунни кастюм-шим кийган, галстук таққан бир одам келди. Пўлатбой, ҳаммаёқни гулзорга айлантисиз-ку, деб, битта гулни узиб кўзини юганча хидлади. Ота қўлини қўксига қўйиб, бошини эгиб турди. Қизалоқнинг жаҳли чикди.

— Иш битди, эртадан бошлаб сиз энди ишли одамсиз, — деди гулни хидлашда давом этиб. Кейин отасига бир нималарни тушунтирди. Унинг оғзи қимирлаганда отаси жим турар сўнг негадир кўзлари қўнаб қизи томонга мамнун қараб қўярди.

— Ана, жон қизим, мен ишли бўлдим, — деди ота бир даста гулни олиб кетган одамни кузатиб қайтиб, гулзорнинг четигади тош ўриндикда ўтираркан. Қизалоқ борманг, гулзор нима бўлади, демокчи бўлди-ю лекин ақлли қизлиги эсига тушиб, жилмайиб қўйди. — Мен энди менежерман. Бунинг маъносини биласанми? Йўқми? Ҳай, аттанг, ҳозир тушунтираман: иш бошқарувчи, яъни қўшиқчиларнинг концертларини ташкиллаштираман. Директорнинг айтишича, туманимизда бойлар кўп, агар қўшиқчилар билан яхши танишиб олсанг, ўша бойларнинг тўйига олиб келасан. Ҳам сенга, ҳам менга пул, кейин қўшиқчиам хурсанд, бой ҳам сендан миннатдор, дейди. Ҳўп, дедим, менга кўп пул керак, қизимни даволатаман, хорижга олиб кетишим керак, дедим. Худонинг бергани шу-да, қизим, энди янада тезроқ тузалиб кетасан...

Эртаси қизалоқ жуда зерикди. Гулларга қараб ётаверди. Отаси тушликка келиб овқатлантирди-да, яна қиқиб кетди. Бу ҳол уйларида Зулфин момо келгунча давом этди.

— Сенга энагалик қилади, мен энди кеч келаман, олис қишлоқларгаям концерт беришга тўғри келаёпти, — деди отаси. Кейин шу кетганича икки ҳафта келмади. Момо гулларни ёмон кўраркан. Ҳар кун уч маҳал овқатини беради-да, ухлайди.



Санжар ТУРСУНОВ

Муаллиф хақида:

Санжар Турсунов — 1986 йил 21 мартда Сариссиё туманидаги Сангардақ қишлоғида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг санъатшунос-журналистика бўлимини тамомлаган. “Музаффар тонг”, “Оқ овулнинг Озодаси”, “Сунбуланинг сўнги оқишми” ноли қисса ва ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Қизалоқ беҳад зерикарди. Аста-секин гуллар қурий бошлади.

Аввалига битта... Иккита... Унта...

Орадан саккиз ойи икки ҳафта ўтган барча гул қуриб... ҳазон бўлди. Бир тун отаси келди: Бўлди қизим, энди кетамиз, эрта тонг отса йўлга тушамиз. Мана, Америкага билет олдим. Мана буларни кўраёсанми, — деб қора сумкани кўрсатди, — ичи тўла пул. Ҳаммаси доллар...

Эртаси эрталаб ота қизининг ёнига кирганда қизалоқ ухлаб ётарди. Унинг қошига эгилган отанин кўзи беихтиёр гулзорга тушди ва қотиб қолди: наҳоти... Сўнг қизи қучиб ётган қўғирчоқни ҳиссиз ушлади ва ундан: дадажон, сизни яхши кўраман, деган овоз чикди... Яна эртаси...

Йўқ иккисизгаям энди сира эртанинг кераги йўқ эди...

Сурат муаллифи Оловуддин СОБИР.



# AGROBANK

Қутлов

## “Агробанк” АТБ жамоаси

Азиз опа-сингиллар!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган ушбу шукхли дамда сиз азизларни

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

билан табриклаб, энг эзгу тилакларимизни йўллашдан бахтиёрмиз.

Яқинларингиз ва халқимизнинг меҳру ардоғида яшаш ҳаммангизга насиб этсин!



Хонадонингиздан шоду хуррамлик, қут-барака аримасин!



/AgrobankChannel

/agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг



www.agrobank.uz

тел.: (+998) 71 203 88 88

Хизматлар лицензияланган.

### ХАНГОМА

Турдиали ва Кўчқорнинг “хобби”си футбол. Бир “Реал”га, бири эса “Барселона”га мухлис. Кутилмаганда, денг кетма-кет икки гал “Кўчқорнинг жамоаси” — “Барселона” голиб бўлди. Шубҳасиз, бундан Кўчқорнинг қувончи ичига сиймайди.

## Дуранг

— Қалайсан, Турди. Кўрдингми? Ютказганини, аммо сен, барибир, тан олмайсан-а. “Барса” зўр-да!

— Бор-эй, кўзимга кўринма!

— Ха майли, ўртоқ, хафа бўлма, “Барса” барибир зўр-да! — деди Кўчқор мулоим жилмайганча.

Кўчқор Турдиалини изза қилганидан мамнун кетаётганида, кўчада таниши Валини учратиш қолди.

— Турдиалини кўрдим, хол сўраб кўй, ахволи оғир-ов, асаби таранг, — деди Валига у атай шумлиги тутиб.

Вали бу гапга чиппа-чин ишониб шошиб қолди: “Нима бўпти унга? Мазаси йўқмиди ё...”, деган хаёл билан Турдиалини йўқлаб борди. Воқеани билгач:

— Сенларга ишонган

аҳмоқ! Фирт жинни экансанлар-ку, ютказган эмиш. Шунга шунча ваҳимами? Эй...

— Хов, менга кара! Сен қолувдинг ақл ўргатмаган... Нима? Сени Кўчқор жўнатдимми? Ҳали кўради, қараб турсин!...

Турдиали аччиқланганидан ўзини босолмади, шартта ўрнидан турди-да, Кўчқорнинг ортидан етиб олди...

— Хой, Кўчқор!.. Тўхта!.. “Барса”нг икки ўйинда 1:0 га ютганмиди? Мана сенга...

У Кўчқорнинг башарасига икки мушт туширди. — Билиб кўй! Энди дуранг бўлди...

Кўчқор жағини ушлаганча, мушт зарбидан гангиб, Турдиалининг изидан қараб қолди...

Муҳаммадсодиқ Тўраев.

### РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

### ТААССУФ

Тарих ўқитувчимиз кўп такрорлар эди: “Аждодаларимизга муносиб ворис бўлиш, уларнинг пок номини улуғлаш, сизнинг муқаддас бурчингиз. Биз билиб-билмай, кўр-кўрона ёндашган тарихий хатоларга сизлар йўл қўймаслигингиз керак...”

## БОБОМИЗ пицца сотганми?



У пайтлар ёш эдим. Ўсмирликнинг гаштини суриб тарихимизга бирда эътибор берсак, бирда бепарво юрганмиз. Қодир исмли синфдошим бўлар эди. Жуда шўх, ерга урсанг кўкка сапчирди. Бир куни тарих дарсида Мирзо Бобурнинг синф деворига илинган суратини тушириб юборди, бу ҳам камдек уни босиб ўтиб жойига ўтирди. Ушанда болажон устозимиз ҳеч қутилмаганда унга тарсаки туширди. Ва бу билан ҳам жаҳлини босолмай роса қойди: “Аждодаларимизга шунақам эътибор-сизмисан? Уйда бобонг ёки буving суратини ҳам шунақа қиласанми? Бобур сенинг ёшингда юртни бошқарган. Миллионлаб халқнинг бошини силаган. Наҳот, шунча берган билимларим, тарбиям қор қилмаган бўлса?..”

Устозимиз чиндан ҳам қаттиқ хафа бўлган эди. Ҳатто бизга дарс беришдан бош тортиб бошқа ўқитувчига ўтказиб юбормоқчи ҳам бўлган. Улар ана шундай қуюнчақ, ота-боболар, тарих ва ўтмишни қадрловчи инсон эди.

Эҳтимол, менинг ҳам тарих фанига қизиқишимга, мактабдан сўнг академик лицейни тарих йўналишида 3 йил ўқишимга мана шундай ҳолатлар сабаб бўлгандир? Балки... Ҳар гал тарихий асарлар мутолааси, изланишлар чоғида, ўтмиш ҳақида мақолалар ёзаётганимда устозимнинг пурмаёно сўзлари қулғим остида жаранглайди.

Яқинда ижтимоий тармоқда Қарши шаҳри “Atlas media parki” баннерида З.М.Бобурнинг қўлига пицца тутқазиб қўйилган суратига кўзим тушди. Унда шундай “шеър” битилган экан:

Тунда истасанг емак,  
Буюртма қилиш керак!  
Тезлатиб пиширамиз,  
03:00 гача хизматдамиз...

Дод, дегим келди. Бу қадр маънавий қашшоқликка борган “тадбиркор”дан нафратландим. Ваҳоланки, аслида бу суратда Бобурнинг боғда ижод қилаётгани, китоб мутолааси пайти тасвирланган эди.

Ана сизга маънавият, ота-боболар, тарихий шахсларга бўлган ҳурмат! Ҳўп, майли шу баннерни тайёрлаган, тайёрлаб берган “маънавиятли одамлар”да савия паст экан дейлик, бироқ зиёли, мутасадди вакиллар қаёққа қарашяпти? Наҳотки, ҳой барака тоғурлар, бу нима қилганларинг, Бобур сиймосига нега бехурматлик қилдинг дейдиган биронта раҳбар одам топилмадими?

Мазкур ҳолат юзасидан баннерда ёзиб қўйилган ишонч телефонига кўнгирак қилдим. Пицца пиширадиган фирманинг менежери билан гаплашдим. Унинг айтишича, баннерлар, реклама қозғолари уларга марказдан — Тошкент шаҳрида жойлашган “Atlas media parki”дан жўнатилган. Улар эса жўнатилган баннерни илиб қўйишган холос. Ушбу сурат юзасидан маданият бошқармасининг вилоят бўлими шугулланган. Олиб ташлаш бўйича гаплашамиз, дейишган. Бироқ ҳозирги кунгача “гаплари тугамаган” ҳамон сурат жойида турибди. “Олиб ташланглар, дейишса бўлди, олиб ташлаймиз, буйруқни кутяпмиз, гап йўқ”, — дейди менежер йигит.

Бир пайтлар юртимиз тупроғини қонга белаган оқлодшо зобитларидан бири, қонхўр генерал Скобелев шундай деган экан: “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”.

Шоҳ ва шоир, буюк давлат арбоби, Ҳиндистон заминида Бобурийларнинг 340 йиллик сулоласи асосчиси, нафақат Ўзбекистон балки дунё тарихи ва адабиётида ўзига хос ўринга эга бобокалонимиз шахсига эътибор шуми? Бизнесим ривожлансин, кўпроқ даромад топай, мижозларим қизиқсин, деб энди тарихий шахсларимиз, уларнинг табарруқ номларидан ўз шахсий манфаатларимиз йўлида фойдалансак? Бу ишимиз билан униб-ўсиб келаётган ёш авлод олдида, уларнинг маънавий дунёқаролини шакллантириш ўрнига, асрлар давомида сақланиб келаётган маънавий бойлиқларимизга ўзимиз болта уриб қўймаймизми?

Эҳтимол кимларгадир бу жараён оддий ҳолатдек туюлар. “Пашшадан фил ясаб нима қиласан” дегувчилар ҳам бўлар. Бироқ ҳозир биз индамасак, сиз индамасангиз, эртага нима бўлади? Бугун тарихий қаҳрамонларимиз қўлига бетайин емак тутқазиб қўйишса, эртага бошига шляпа ёки эгнига очик-сочик кийимлар кийдириб қўймасликка ким қафолат беради? Маълумингизким, айнан шу нарса яқинда “Ma’ifat” газетасида ҳам танқид қилинган эди. Йўқ, “газета ўқимайдиган” Қарши шаҳар ҳокими ҳатто бирор муносабат билдирмабди. Балки бу “оламшумул муаммо”га вилоят ҳокими З.Мирзаевнинг алоҳида кўрсатмаси керакдир?

Лекин... буюк зотларимизга ҳурмат, эҳтиром туйғусичи, пицца сотувчи кимсаларни-ку майли, кўятурайлик, улар бир ишчи, аммо бу бизнес бошида турган «ғуддайган»ларнинг ўзида ҳам бу туйғу ўлганми?!

ИСЛОМ АСИЛБЕКОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси матбаа ва ноширлик соҳасининг етуқ мутахассиси  
**Рўздат САФОВЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Hurriyat



Бош муҳаррир

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.  
Баҳоси келишилган нарҳда

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 5081  
Буюртма — Г-365

1 2 3 4 5 6

Телефонлар: (71) 244-32-68, 244-32-91

Тел-факс: (71) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими:

(71) 244-32-70

Обуна индекси:  
якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Топшириш вақти — 20<sup>00</sup>  
Топширили — 22<sup>00</sup>



Манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди

ва дизайнер Р.Едгаров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ю.Жўраев. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.